

Ислом.уз Портали ходимларига раҳмат

20:43 / 24.04.2016 2924

Ассалому алайкум. Ҳурматли бизнинг энг яхши кўрган сайтимиз бўлмиш Ислом.уз Портали ходимлари. Ҳурматли устозимиз бошчиликларида халқимизнинг диний онгини уйғотиш учун жон куйдириб қилаётган ҳар бир ишингиз учун Аллоҳ ўзи мукофот берсин. Деярли ҳар куни саволлар.ислом.уз сайтига кираман ва ўша кунги қўйилган савол-жавобларни бир чеккадан ўқиб чиқаман. Сайтнинг янги кўриниши жуда ҳам қулай ва чиройли. Энг охири берилган саволлар сайтнинг энг юқори қисмидан пастга томон хронологик тарзда жойлашганлиги ўқувчиларга жуда қулайлик яратади. Умуман сайтга кирган одам бир кўришдаёқ барча бўлимлар (саволлар мавзусини танлаш, сайтга кириш ёки аъзо бўлиш, излаш хизмати, статистика) билан танишиши ва фойдаланиши мумкин. Мобил қурилма орқали ҳам компьютер орқали кирсак ҳам бир хил маромда ишламоқда. Раҳмат Сизларга. Фақат дуо қилиш орқали манфаатимиз етиши мумкин. Ахир 20 дан ортиқ сайтларни бошқариш, созлаш, уларни юргизишнинг ўзи катта гап. Аллоҳнинг ўзи сизларга мадад ва муваффақият берсин. Айрим мухлисларнинг ноўрин танқидларига сабр қилиб, жавоб бераётганингиз учун ҳам раҳмат. Саломат бўлинглар. Шайхимизни ҳам Аллоҳ ўзи ҳифзу-ҳимоясида асрасин. Умрлари узоқ, соғ-саломат бўлсинлар. У кишидан ва сизлардан Аллоҳ рози бўлсин.